

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВ ДИЛМУРОД АЛИЯР ЎҒЛИ**

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА**  
**ЮРИДИК ШАХСЛАР ФОЙДАСИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ**  
**ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Абдуллаев Дилмурод Алияр ўғли**

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда юридик шахслар фойдасини  
солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш йўналишлари..... 3

**Абдуллаев Дилмурод Алияр ўғли**

Направления совершенствования порядка налогообложения прибыли юридических  
лиц в обеспечения конкурентоспособности экономики..... 27

**Abdullaev Dilmurod Aliyar o'g'li**

Directions of improving the procedure of taxation the profit of legal entities in ensuring the  
competitiveness of economy..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВ ДИЛМУРОД АЛИЯР ЎҒЛИ**

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА**  
**ЮРИДИК ШАХСЛАР ФОЙДАСИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ**  
**ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.3. PhD/Iqt1106 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кузиева Наргиза Рамазановна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жумаев Нодир Хосиятович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Урмонов Жаҳонгир Жалолдинович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Г.В.Плеханов номидаги Россия**  
**иқтисодиёт университети Тошкент**  
**филиали**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 - А уй. Тел.: (99871) 254-53-34; факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 – А уй. Тел.: (99871) 254-53-34; факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З.Тешабаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Каландарова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD

**И.Н.Қўзиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертацияси мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, глобаллашув ва очиқ бозор шароитида солиқ тизими мамлакатлар учун миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш борасида самарали солиқ тизимини яратишда юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш муҳим ўрин тутади. Бу борада, дунёнинг таракқий этган давлатларида фойдага солинадиган солиқ юкини камайтириш, фойдадан олинadиган солиқ турларини унификация қилиш, фойда солиғи ставкасини пасайтириш, фойда солиғи асосида корхоналарнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. “Жумладан, дунё бўйича фойда солиғи ставкаси 1980 йилда ўртача 40,4 фоизни ва ЯИМдаги улуши 46, 7 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда эса ўртача фойда солиғи ставкаси 24,1 фоизгача ҳамда ЯИМдаги улуши 26,3 фоизгача пасайган”<sup>1</sup>. Бу эса жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Жаҳон амалиётида фойда солиғи орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий изланишларда иқтисодиётнинг интеграциялашуви ҳамда жаҳон бозори конъюнктурасидаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда фойдани солиққа тортишни такомиллаштириш, фойда солиғининг миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига таъсири, мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлигини оширишга таъсир этувчи фойда солиғининг омиллари, мамлакат солиқ сиёсатининг рақобатбардошликка таъсири ҳамда фойда солиғи ставкаларининг инвестицияларни жалб этишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилган. Илмий тадқиқотларда фойда солиғининг рақобатбардошликка таъсири ўрганилган бўлса-да, аммо юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, фойда солиғи бўйича берилган имтиёзлар ва уларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини оширишга таъсири, фойда солиғи асосида корхоналарнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш муаммолари илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистонда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш ва соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган самарали солиқ тизимини яратиш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Зеро, “солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллаш орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Asen, E. (2019). Corporate Tax Rates around the World, 2019. [taxfoundation.org](http://taxfoundation.org), December 10, 2019.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь

Мамлакатимизда солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш борасида “солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш”<sup>3</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши корхоналар фойдасини солиққа тортиш механизминини такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”, 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 27 апрелдаги ПФ-5986-сон “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармонлари, 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сон “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бўлган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш ва унинг иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига таъсири билан боғлиқ бўлган муаммолар G.Colm, J.Mintz, G.Nicodème, E.Шкробела, С.Быкова, Е.Зудина, И. Митрофанова, О.Гафарова, К.Бадмаева, R.Grey, N.Tankus, S.Bank, S.Pollack, А.Татуйко, М.Knoll, О.Pinto, М.Abdellatif,

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

N.László, C.Catalina, R.Margareta, C.Pöschel ва бошқа хорижлик иқтисодчи олимларнинг<sup>4</sup> илмий ишларида тадқиқ қилинган. Юридик шахслар фойдасини солиққа тортишнинг умумий жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Э.Гадоев, Т.Маликов, А.Ваҳобов, А.Жўраев, Н.Кузиева, Н.Ҳайдаров, М.Альмарданов, Б.Тошмуродова, Б.Санакулова, Н.Ашурова, Ж.Урмонов, И.Ниязметов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган. Юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш юзасидан Ш.Тошматов, Қ.Базаров, М.Эшонов, Ш.Собировнинг<sup>5</sup> илмий ишларида алоҳида тадқиқотлар олиб борилган.

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий изланишларга қарамасдан, айнан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш йўналишлари мамлакатимизда алоҳида илмий тадқиқот иши сифатида бажарилмаганлиги тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини оширади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

<sup>4</sup> Colm, G. Conflicting Theories of Corporate Income Taxation. Law and Contemporary Problems, 7(2), 281; Mintz, J.M. Globalization of the Corporate Income Tax: The Role of Allocation, in: FA 1999, pp. 389-423; Nicodème, G. (2009). Corporate Income Tax and Economic Distortions, Taxation papers, Directorate General for Taxation and Customs Union, EC, 1-19; Шкробела Е.В. Теоретические аспекты налогообложения прибыли : Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – М., 2013; Быкова С.Н. Налогообложение прибыли организаций и предпринимательская активность. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – М., 2006; Гафарова О.В. Совершенствование налога на прибыль организаций в условиях реформирования налоговой системы России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. - Ростов-на-Дону. 2012; Зудина Е.М. Налог на прибыль и его роль в формировании доходной базы бюджетов разных уровней: Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – Москва, 2009; Митрофанова И.А. Модернизация механизма налогообложения прибыли хозяйствующих субъектов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. - Волгоград. 2011; Бадмаева К.Н. Эволюция налог на прибыль организаций и его перспективы в Российской системе налогообложения. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. - Москва. 2004; Grey R., Tankus N., Corporate Taxation in a Modern Monetary Economy: Legal History, Theory, Prospects. SSRN Electronic Journal, January 2017; Steven A. Bank, Entity Theory as Myth in the Origins of the Corporate Income Tax, 43 Wm. & Mary L. Rev. 447 (2001). Sheldon D. Pollack, Origins of the Modern Income Tax, 1894–1913. The Tax Lawyer Vol. 66, No. 2 (WINTER 2013), pp. 295-330; Татуйко А.В. Эволюция налога на прибыль в России // Гуманитарные научные исследования. 2014. № 10; Knoll, Michael S., The Corporate Income Tax and the Competitiveness of U.S. Industries. (2010) Faculty Scholarship. Paper 248; Porter, M. E., Delgado, M., Ketels, C. & Stern, S. Moving to a new global competitiveness index; Pinto, O. (2016). Tax Factors affecting International Competitiveness: Canada vs. United States Perspective. International Journal of Business and Social Science. Vol. 7, No. 12; December 2016; Abdellatif, M., (2011) “The Effect of Tax Policy on Country’s Competitiveness: A Case Study of Income Taxation of Intellectual Property in Egypt and India; László Nagy, (2017) “Impact of the Tax System on the Competitiveness of Businesses and Capital Inflow. International comparison within the CEE region”, Public Finance Quarterly, State Audit Office of Hungary, vol. 62(1), pages 22-38; Catalina C., ва Margareta R. (2015). The EU tax treatment competition for knowledge based capital – the special case of R&D. Procedia Economics and Finance 32 ( 2015 ) 817 – 825; Pöschel Carla., (2019). “Incentive Effects of R&D Tax Incentives – A Meta-Regression Analysis Focusing on R&D Tax Policy Designs,” arqus Discussion Papers in Quantitative Tax Research 243, arqus - Arbeitskreis Quantitative Steuerlehre.

<sup>5</sup> Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари: и.ф.д . илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008; Базаров Қ.Т. Корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ механизмидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1998; Эшонов М.А. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) ва мол-мулк солиқларини такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Андижон, 2006; Собиров Ш.М. Фойда солиғи ва унинг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсири: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

юридик шахслар фойдасини солиққа тортишнинг илмий-назарий асослари ва иқтисодий моҳиятини тадқиқ қилиш;

фойда солиғининг жорий қилиниши ва Ўзбекистонда ривожланиш эволюциясини ўрганиш;

корхоналардан олинадиган фойда солиғининг иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига таъсирини ўрганиш;

фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга ундириш механизмининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

давлат ва унинг улуши мавжуд корхоналарнинг соф фойдасидан Давлат бюджетига тўловларни ундириш механизмидаги муаммоларни ўрганиш;

фойда солиғи бўйича берилган имтиёзлар ва уларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини оширишга таъсирини таҳлил қилиш;

фойда солиғи асосида рақобатбардошликни таъминлашнинг илғор хориж тажрибаси ва уни республикамизда қўллаш имкониятларини аниқлаш;

юридик шахслар фойдасини солиққа тортишнинг амалдаги ҳолати бўйича мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб фойда солиғини тўловчи юридик шахслар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш тартибини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлар таркибини бекор қилиш асосида фойда солиғини ҳисоблаш соддалаштирилган;

фойда солиғи бўйича экология, соғломлаштириш, хайрия ва болалар спортини ривожлантириш жамғармасига ўтказиладиган маблағлар учун берилган имтиёзларни бекор қилиш орқали бюджетга қўшимча маблағ жалб қилиш асосланган;



илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари учун харажатларни алоҳида ҳисобини юритиш орқали солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар аниқлаштирилган;

фойда солиғи бўйича корхоналар томонидан текин берилган мол-мулкнинг (хизматларнинг) қиймати ва бу билан боғлиқ бўлган харажатларни чегирилмайдиган харажатлар таркибига киритиш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида давлат корхоналари ва уставида давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятларининг соф фойдасидан дивидендлар ҳамда ажратмаларни ундириш механизмини такомиллаштириш таклиф қилинган;

барча тадбиркорлик субъектлари учун фойдадан олинадиган солиқни, яъни фойда солиғини жорий қилиш асосида мамлакатимизда барча бизнес тоифалари учун соғлом рақобат муҳитини шакллантириши ва солиқ юқини бирхиллаштириш механизми ишлаб чиқилган;

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт фаолиятини рағбатлантириш учун юридик шахсларни экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган фойда қисми бўйича фойда солиғидан тўлиқ озод қилиш ва имтиёзни экспорт тушумига нисбатан қўллаш таклифи берилган;

корхоналарнинг инновацион фаоллигини ошириш орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатларига фойда солиғидан қўшимча имтиёзлар жорий қилиниши юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришни соддалаштириш ва мураккабликларнинг олдини олиш, корхоналарнинг ҳақиқий фойдасига солиқ солиш мақсадида фойда солиғи бўйича ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик бўнак тўловларини бекор қилган ҳолда ҳисоботни топшириш ва солиқни тўлаш муддатини ҳар ойлик қилиб белгилаш таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда расмий статистик маълумотларга, шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси амалий маълумотларининг таҳлиллари натижалари асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш борасида юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида фойда солиғини ундириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Давлат солиқ идоралари томонидан юридик шахслар фойдасини солиққа тортишни такомиллаштиришга доир меъёрий-

хукукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлар таркибини бекор қилиш асосида фойда солиғини ҳисоблашни соддалаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўз аксини топган (Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 9 июндаги 14/1-18256-сон маълумотномаси). Натижада, корхоналар учун фойда солиғини ҳисоблаб чиқиш механизми соддалаштирилган;

фойда солиғи бўйича экология, соғломлаштириш, хайрия ва болалар спортини ривожлантириш жамғармасига ўтказиладиган маблағлар учун берилган имтиёзларни бекор қилиш орқали бюджетга қўшимча маблағ жалб қилиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўз аксини топган (Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 9 июндаги 14/1-18256-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу имтиёзларнинг бекор қилиниши ҳисобига 2020 йилда бюджетга қўшимча 25,5 млрд.сўм фойда солиғи тушишига эришилган;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари учун харажатларни алоҳида ҳисобини юритиш орқали солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни аниқлаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўз аксини топган (Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 9 июндаги 14/1-18256-сон маълумотномаси). Натижада, корхоналар томонидан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари учун амалга оширилган харажатлар миқдорини аниқлаш ва уларнинг алоҳида ҳисобини юритиш имконини берган;

фойда солиғи бўйича корхоналар томонидан текин берилган мол-мулкнинг (хизматларнинг) қиймати ва бу билан боғлиқ бўлган харажатларни чегирилмайдиган харажатлар таркибига киритиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўз аксини топган (Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 9 июндаги 14/1-18256-сон

маълумотномаси). Натижада, 2020 йилнинг 1-чорагида бюджетга қўшимча 2,7 млрд.сўм фойда солиғи ундирилишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 6 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, шундан 4 та республика журналларида ва 1 та хорижий журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 139 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Юридик шахслар фойдасини солиққа тортишнинг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида юридик шахслар фойдасини солиққа тортишнинг иқтисодий моҳияти ва назарий асосларига бағишланган бўлиб, юридик шахслар фойдасини солиққа тортишнинг илмий-назарий асослари ва иқтисодий моҳияти, Ўзбекистонда фойда солиғининг жорий қилиниши ва ривожланиш эволюцияси, корхоналардан олинадиган фойда солиғининг иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига таъсири тадқиқ этилган. Шунингдек, ушбу боб материалларини тайёрлашда юридик шахсларнинг фойдасини солиққа тортиш борасидаги хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг фикр ва мулоҳазалари инобатга олинган. Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда назарий хулосалар шакллантирилган.

Маълумки, ҳозирги глобаллашув ва жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашуви жараёнида қайси мамлакатда тадбиркорлик субъектлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилган бўлса, ўша мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ва аҳоли фаровонлигини оширишга эришилади. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан тадбиркорликни ривожлантириш борасида **“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”**<sup>6</sup> деган тамойил белгилаб берилди. Бугунги кунда ушбу эзгу ғоя асосида юртимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш борасида тадбиркорлик субъектлари учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бу борада, эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш орқали маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Тадбиркорлик субъектларининг моддий манфаатдорлиги уларнинг фаолият натижаси, яъни фойда билан белгиланади.

Юридик шахслар фойдасини солиққа тортишнинг назарий асосларини ўрганишда хорижий иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, хорижий иқтисодчи олим J.Mintzнинг фикрига кўра, корхоналардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблашнинг асосий сабаблари маъмурий – юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ушлаб қолувчи роли, норезидентларга тўланадиган даромадларни солиққа тортиш ва ижтимоий тўлов билан боғлиқ солиққа

<sup>6</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

тортишдан иборат<sup>7</sup>. G. Nicodèменинг фикрича, корхоналарда фойда солиғини ундиришнинг асосий сабаблари давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов, солиқни экспорт қилиш, ғазначилик эффекти, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг йўқ қилиниши ва сиёсий чекловлар ҳисобланади<sup>8</sup>. Россиялик олим Е.Шкробела томонидан фойдани солиққа тортишнинг назарий жиҳатлари ўрганилган<sup>9</sup>. Унинг фикрига кўра, фойда солиғининг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳуқуқий жиҳатдан ушбу солиқ корхоналарнинг даромадларига солинадиган солиқ сифатида қаралади.

Ўзбекистонда юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш борасида бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, проф. Н.Кузиева томонидан хорижий инвестициялар билан фойда солиғи ставкалари ўртасидаги боғлиқлик аниқланган<sup>10</sup>. Маҳаллий олим проф. Ш.Тошматов томонидан фойда солиғини ундиришда асоссиз пенялар ҳисобланишидаги муаммолар таҳлил этилиб, ушбу солиқни ундиришдаги бўнак тўловларини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган<sup>11</sup>. Ж.Урмонов умумбелгиланган тартибга ўтган фойда солиғини тўловчи кичик корхоналарга табақалаштирилган ва пасайтирилган солиқ ставкаларини жорий қилиш таклифини илгари сурган<sup>12</sup>. И.Ниязметов ўзининг тадқиқот ишида, фойда солиғи ставкасини табақалаштириш, бунда кичик бизнес субъектлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва нотижорат ташкилотларига унинг нисбатан пастроқ ставкасини ва рентабеллик даражаси юқори фаолият турларига, аксинча юқорирақ ставкасини жорий қилиш таклифини билдирган<sup>13</sup>.

Иқтисодчи олимлар томонидан юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш механизмининг айрим жиҳатларини такомиллаштириш борасида диққатга сазовор таклиф ва тавсиялар берилган. Аммо шуни қайд этиш лозимки, фойдани солиққа тортиш механизмида корхоналар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга салбий таъсир қиладиган бир қатор муаммолар етарли даражада ўрганилмаган. Юридик шахслар фойдасини солиққа тортишда корхоналарнинг фойдасини тўғри шакллантириш долзарб муаммо ҳисобланади. Амалдаги тартибга кўра фойдани шакллантириш молиявий натижалар ва солиқ солиш мақсадига кўра фарқ қилади (*1-расм*).

<sup>7</sup> Mintz, J.M. (1999). Globalization of the Corporate Income Tax: The Role of Allocation, in: FA 1999, pp. 389-423.

<sup>8</sup> Nicodème, G. (2009). Corporate Income Tax and Economic Distortions, Taxation papers, Directorate General for Taxation and Customs Union, EC, 1-19.


<sup>9</sup> Шкробела Е.В. Теоретические аспекты налогообложения прибыли: Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – Москва, 2013.

<sup>10</sup> Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмининг такомиллаштириш йўналишлари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008.

<sup>11</sup> Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008.

<sup>12</sup> Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2018.

<sup>13</sup> Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш: и.ф.д. (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2018.



**1-расм. Юридик шахслар фойдасининг турлари<sup>14</sup>**

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, “фойда” тушунчаси ва унинг таърифи хусусида иқтисодчи олимлар томонидан турли фикр ва мулоҳазалар билдирилган бўлиб, ягона таърифга келинмаган. Шунингдек, “фойда” тушунчаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда “фойда” тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Фойда - бу иқтисодий категория сифатида юридик шахснинг муайян даврдаги тадбиркорлик фаолиятдан олинган жами даромад ва харажатлар ўртасидаги ижобий фарқ бўлиб, унинг молиявий натижаларини белгилаб берувчи кўрсаткич ҳисобланади.

Ушбу таъриф Солиқ кодексининг 4-бобининг алоҳида моддасига киритиш лозимлиги асосланган.

Ҳозирги вақтда давлатлар ўртасида савдо алоқалари кенгайиб, жаҳон бозорида рақобат кураши тобора кучайиб бормоқда. Бу эса, ҳар бир давлат рақобат майдонида ўз ўрнига эга бўлиш учун рақобатбардошликка алоҳида эътибор беришни тақозо қилади. Шу боисдан, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш давлатимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.


Фойда солиғи мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Чунки, фойда солиғини паст солиқ ставкаси тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, экспортни ва иқтисодиётнинг айрим тармоқларини рағбатлантириш орқали ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, эркин рақобат муҳитини шакллантириш ва барча тадбиркорлик субъектлари учун тенг имконият яратишга қаратилган самарали солиқ тизимини жорий қилиш мақсадида корхоналар фойдасини солиққа тортиш тартибини соддалаштириш ва солиқ юқини камайтириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5116-сон ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармонлари қабул қилиниши ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Юридик шахслар фойдасини солиққа тортишнинг амалдаги ҳолати ва уни рақобатбардошликка таъсири таҳлили”** тадқиқ қилиниши белгилаб олинган бўлиб, асосий эътибор юридик шахслар фойдасига солиқ солиш механизмнинг таҳлилига қаратилиб, фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга ундириш механизмнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган, давлат ва унинг улуши мавжуд корхоналарнинг соф фойдасини солиққа тортишнинг ўзига хос

хусусиятлари ўрганилган, фойда солиғи бўйича берилган имтиёзлар ва уларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини оширишга таъсири тадқиқ этилган.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда фойда солиғи тўловчилар сони ўзгарувчан бўлиб, 2015-2018 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган бўлса, 2019 йилда солиқ тўловчилар сони эса кескин ошган (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистонда 2015-2019 йиллардаги фойда солиғи тўловчилар сони динамикаси<sup>15</sup>**


Юқоридаги 2-расм маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, фойда солиғи тўловчилар сони 2015-2018 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, 2018 йилда 7 525 тани ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 4 866 тага камайган. Фойда солиғи тўловчилар сони 2019 йилда кескин ўсган, яъни 48 838 тани ташкил этган ҳолда 2018 йилга нисбатан 6,5 баробарга, 2015 йилга нисбатан эса 4,0 баробарга ошган. Фойда солиғи тўловчилар сонининг кескин ошишининг асосий омили солиқ сиёсати концепцияси доирасида йиллик обороти бир миллиард сўмдан ошган корхоналар учун фойда солиғининг жорий қилиниши ҳисобланади.

Фойда солиғини ҳисоблашда солиқ ставкаси муҳим ҳисобланади. Чунки солиқ ставкаси тўланадиган солиқ миқдорини белгилаб беради ва солиқ юқини камайтириш ҳамда тенг тақсимлаш воситаси ҳисобланади. Фойда солиғи ставкасининг пастлиги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга чет эл корхоналарига нисбатан рақобат курашида устунлик беради ва молиявий барқарорлигини оширади.

Сўнгги йилларда юридик шахслар тоифасига кўра фойда солиғи ставкаларининг ўзгариш тенденцияси қуйидаги 3-расм маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган.





**3-расм. 2015-2020 йилларда фойда солиғи ставкалари ўзгариши динамикаси, %да<sup>16</sup>**

Юқоридаги 3-расм расм маълумотлари асосида фойда солиғи ставкалари динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, 2015-2020 йилларда аукционлар ўтказишдан ва оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар учун фойда солиғи ставкаси 35 фоиздан 15 фоизгача пасайган, 2020 йилдан электрон ташкилотлари учун фойда солиғининг алоҳида пасайтирилган ставкаси жорий қилинди. Бу даврда фойда солиғининг асосий ставкаси 7,5 фоиздан 15 фоизга, банклар учун 15 фоиздан 20 фоизга, мобил алоқа хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар учун 7,5 фоиздан 20 фоизга, цемент (клинкер) ва полиэтилен гранулалар ишлаб чиқаришни амалга оширувчи юридик шахслар учун 7,5 фоиздан 20 фоизга ошган. Фойда солиғи ставкаси 2015-2020 йилларда ошган бўлса-да, аслида 8 фоиз миқдорида ундириладиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг фойда солиғи билан унификация қилиниши ҳисобига фойдадан олинадиган солиқ ставкаси пасайган. Бундан ташқари, уяли алоқа компаниялари учун рентабеллик даражасидан келиб чиққан ҳолда қўшимча 50 фоиз миқдорида ундириладиган фойда солиғи, цемент (клинкер) ва полиэтилен гранулалар ишлаб чиқаришни амалга оширувчи юридик шахсларнинг юқори фойдасидан 50 фоиз миқдорида олинадиган қўшимча фойда солиғи бекор қилинган. Натижада корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ миқдори камайган ва солиқ ставкаларини қўллаш тартиби соддалаштирилган.

Кейинги йилларда фойда солиғи тушуми 14,0 баробарга ошган (4-расм).

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган.



**4-расм. Ўзбекистонда 2015-2019 йилларда фойда солиғи тушуми динамикаси<sup>17</sup>**

Юқоридаги расм маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2015-2019 йилларда фойда солиғи тушуми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, фойда солиғи 2019 йилда 16 360,6 млрд.сўмни ташкил этган ҳолда 2018 йилга нисбатан 5,0 баробарга, 2015 йилга нисбатан 14,0 баробарга ошган. Шунингдек, фойда солиғи тушуми олдинги даврга нисбатан 2015 йилда 105,4 фоизга, 2019 йилда эса 498,4 фоизга ўсган. Фойда солиғи бўйича тушумларнинг ошишига солиқ базасининг кенгайиши, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг фойда солиғи билан бирхиллаштирилиши, кон-қазиб олиш компанияларининг янги солиқ тизимига ўтиши, айланмадан 3,2 фоиз миқдорда мажбурий ажратмалар бекор қилиниши сабабли йирик компаниялар фойдасининг ўсиши, солиқ тўловчилар сонининг ортиши, цемент заводлари, уяли алоқа компаниялари ва полиэтилен гранулалар ишлаб чиқарувчилари учун кўшимча фойда солиғининг бекор қилиниши билан бир вақтда 12 фоизлик базавий ставка ўрнига 20 фоизлик оширилган ставканинг жорий этилиши асосий омил бўлган.

Тадқиқот ишида давлат унитар корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган жамиятларнинг соф фойдасидан ажратмаларни ҳамда давлат улуши бўйича дивидендларни ҳисоблаб чиқариш ва Давлат бюджетига ундириш муаммолари ўрганилган. Бу борада мавжуд муаммоларни бартараф қилиш мақсадида давлат унитар корхоналари ва уставида давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятларининг соф фойдасидан ажратмалар ҳамда дивидендлар ҳисобланиши ҳамда бошқа мажбурий тўловларга тенглаштиришни назарда тутувчи нормани Солиқ

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган.

кодексининг 17-моддасига киритиш, шунингдек, хўжалик жамиятларининг соф фойдасидан давлат улушларига дивидендлар ва давлат корхоналари соф фойдасидан ажратмалар Давлат бюджетига ҳисобланиши ҳамда ундирилиши бўйича алоҳида тартиб ишлаб чиқиш лозимлиги тадқиқ этилган.

Рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришда фойда солиғи бўйича имтиёзлар долзарб муаммолардан ҳисобланади. Фикримизча, солиқ имтиёзлари иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Очiq бозор иқтисодиёти шароитида давлат рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш учун солиқ имтиёзлари орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириши лозим. Шу сабабли, мамлакатимизда алоҳида корхоналар учун берилган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган имтиёзларни бекор қилган ҳолда иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган солиқ имтиёзлари берилиши иқтисодиётнинг тараққий этиши учун хизмат қилади.

Солиқ кодексининг 159-моддаси 1-бандига асосан фойда солиғидан экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат органлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар, ҳомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлар суммасига солиқ солинадиган фойданинг икки фоизигача камайтириш бўйича имтиёз берилган. Мазкур имтиёздан фойдаланган корхоналар сони 2015-2019 йилларда 442 тадан 542 тага, яъни 100 тага ошган. Имтиёз суммаси 2019 йилда 24,0 млрд.сўмни ташкил этган ҳолда 2015 йилга нисбатан 15,5 млрд.сўмга ёки 2,5 баробарга ошган. Фойда солиғи бўйича берилган имтиёзлар таркибидаги улуши 2015-2019 йилларда ўртача 1,5 фоизни ташкил этган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

### Фойда солиғи бўйича корхоналар томонидан ажратилган бадаллар, ҳомийлик ва хайрия тариқасида йўналтирилган маблағларга берилган имтиёзлар таҳлили<sup>18</sup>

№	Кўрсаткичлар	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й
1	Корхона сони	442	413	368	380	542
2	Имтиёз суммаси, млрд.сўм	9,5	10,9	9,5	32,1	24,0
3	Фойда солиғи бўйича берилган имтиёзлар таркибидаги улуши, %	1,8	2,3	0,5	1,7	1,2


Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу имтиёзлар корхоналарнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир қилмайди, аксинча уларнинг молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Натижада мазкур корхоналарнинг рақобатбардошлиги пасаяди. Солиқ тўловчилар томонидан

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

ажратилган бадаллар, ҳомийлик ва хайрия тариқасида йўналтирилган маблағлардан самарали фойдаланишини назорат қилиш имконияти мавжуд эмас. Тадқиқот натижаларига кўра, фойда солиғи бўйича солиқ тўловчиларнинг барча бадаллари, ҳомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлари учун тақдим этилган имтиёзларни бекор қилиш асосланган. Мазкур имтиёзларнинг бекор қилиниши ҳисобига 2020 йилда бюджетга қўшимча 24,0 млрд.сўм фойда солиғи тушишига эришилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини рағбатлантиришда фойда солиғи имтиёзларидан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, 2015-2017 йилларда экспорт қилувчи корхоналар учун экспорт улушига қараб фойда солиғи ставкасини камайтириш тарзидаги имтиёзлар амалда бўлган, 2019 йилдан эса товарлар (ишлар)ни реализация қилишдан тушган умумий тушумида экспорт улуши 15 фоиздан юқори бўлган юридик шахслар экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган фойда қисми бўйича фойда солиғидан озод қилиш тарзидаги имтиёзлар жорий қилинган.

Мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналарга фойда солиғи бўйича берилган имтиёзлар миқдорининг ўзгариши, экспорт ҳажми ва унинг ўсиши динамикаси қуйидаги 5-расмда таҳлил қилинган.



**5-расм. Ўзбекистонда 2015-2019 йилларда экспорт ҳажми ва унинг ўсиши, фойда солиғи бўйича берилган имтиёзлар ўзгариши таҳлили<sup>19</sup>**

Юқоридаги 5-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, экспорт қилувчи корхоналарга фойда солиғи бўйича берилган имтиёзлар миқдори 2015-2017 йилларда 45,3 млрд.сўмдан 108,7 млрд.сўмгача ошган. 2018 йилдан экспорт улушига қараб фойда солиғи ставкасини камайтириш тарзидаги имтиёзларнинг бекор қилиниши натижасида имтиёз миқдори

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

